Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Барчамизга маълумки ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса, ҳақиқли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади. Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 25 йиллик ривожланиши даври, ўз давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган”<sup>12</sup>. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг жохон ҳамжамиятига қўшилиши инсон манфаатлари энг муҳим омил сифатида эътироф этилувчи эркин, демократик жамиятнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Таджикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мўслиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ҳуқуқий демократик

<sup>10</sup> Мирзиёев Ш.М. Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа / Доклад на торжественном собрании, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан 7 декабря 2016 года. – Т.: УЗБЕКИСТОН, 2017. – С. 32.

<sup>11</sup> Ясперс К. Смысл и назначение истории / Пер. с нем. – М.: Политиздат, 1991. – С. 176.

<sup>12</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қириқмоқ. // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётининг киришини таъналли маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: ЎЗБЕКИСТОН, 2016. – Б. 31.

давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий ва маданий тамойиллари инновацион иктисодиётни шакллантириш”нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инсон ҳуқуқлариغا оид илмий-адабиётлар моҳиятан гоятда кенг бўлиб уларнинг барчасини камраб олишнинг амалий жиҳатдан имконияти йўқ. Эркинлик муаммоси кўплаб файласуфларнинг илмий асарларида долзарблиги таъкидланган ва унинг тарихий-хронологик илдизлари антик даврга бориб такалади (Сукрот, Афлотун, Арасту, Букрот ҳаким, Сенека, Аристофан, Демокрит, Эпикур, Плотин ва бошқ.); ўрта асрларда эса, (А.Кентерберийский, Ф.Аквинский У.Оккам, Эриугена ва бошқ.); Уйғониш даврида (М.Фичино, П.Делла Мирандола, Ж.Бруно ва бошқ.); Янги даврда (Т.Гоббс, Ж.Локк ва бошқ.) ва Маърифатпарварлик даврида (Ж.-Ж. Руссо, Спиноза, Вольтер, Лейбниц ва бошқ.), шунингдек немис классик файласуфлари (Г.Гегель, И.Кант, И.Г.Фихте, Ф.Шеллинг ва кўплаб бошқалар).

Шарк мутафаккирлари (Конфуций, Лао-Цзы, Ал-Фаробий, Умар Хайём, Абу Али ибн Сино, Свами Вивекананда, Дайсэцу Тэйтаро Судзуки, Дждду Кришнамурти ва бошқ.) ўзларининг гоятда улугвор асарларида инсон эркинлиги гояларига ўзига хос залворли диққат қаратиб, унинг ҳаётини асосларига муносабат билдириб ўтганлар.

Инсон эркинлигининг турли аспекти ва унинг жавобгарлик хисси ҳамда жамиятдаги ҳаётга нисабатан бурч туйғуси кўплаб машҳур файласуф ҳамда ёзувчиларнинг серкирра асарларида ўз ифодасини топган (В.Ф.Асмус, З.Бауман, И.Берлин, А.С.Богомолов, В.Виндельбанд, В.Е.Давидович, Ф.М.Достоевский, Э.Кассирер, Е.Коссак, З.Кули-Задэ, Т.И.Ойзерман, А.В.Сагадеев, С.Финкелстайн, Э.Фромм, М.Шелер, А.Шопенгауэр, В.К.Шохин, В.Шубарт ва бошқ.).

Экзистенциализмда инсон эркинлиги муаммосига европа файласуфлари (Н.Аббаньяно, О.Ф.Большов, М.Бубер, А.Камю, С.Кьеркегор, Г.Марсель, Ф.Ницше, Ж.-П.Сартр, М.Хайдеггер, М. де Унамуно, К.Ясперс ва бошқ.), шунингдек рус экзистенциализми намёндалари (Л.И.Шестов, Н.А.Бердяев, С.Л.Франк ва бошқ.) анчайин анчайин кенг ўрин берганлар. Шарк экзистенциализми билан йўғрилган инсон эркинлиги муаммосини ўрганиш, мутафаккирлар (Абд ар-Раҳман Бадавий, Рене Хабаши, Закария Ибраҳим, Дадзай Усама, Сирина Риндзо, Абэ Кобо ва бошқ.) асарларида ўз ифодасини топганлигини қўришимиз мумкин. Уларнинг инсон эркинлиги борасидаги фалсафий далиллари ханша кўплаб тадқиқотчиларнинг диққат эътиборини тортиб келган.

Инсон эркинлиги муаммосига Ғарб ва Шарк экзистенциализми компаративистикаси асосида ёндошган ҳолда, тадқиқот олиб борган замонавий мутахассислар орасида (М.А.Ахмедова, В.В.Бибахин, Т.Буркхардт, Л.С.Васильев, П.П.Гайденко, И.И.Гарин, Э.М.Иззетова, Н.С.Кирабаев, А.И.Кобзев, А.Корбен, А.С.Колесников, Н.Маматов, Н.В.Мотрошилова, Д.Пўлатова, Дж.Реале, Н.С.Семёнов, Е.Л.Скворцова,



М.Т.Степанянц, Ф.Сулаймонова, А.Тойнби, Е.А.Фролова, В.С.Хан, Н.Шермухамедова, А.Е.Шишкин, R.Bertrand, R.Billington, H.Corbin, S.Heine, H.Nakamura ва бошқ.) номини алоҳида тилга олиш мумкин, айти уларнинг хизматлари туфайли замонавий бугунги авлод илгор илмий-фалсафий билимлар долзарблигини англаб етмоқда.

Мавжуд хорижий (хам гарб, хам шарк) илмий тадқиқотлар тахлили асосида, ватандош тадқиқотчиларимиз инсоннинг ердаги ҳаётидаги эркинлиги муаммосини тушуниш ва англаб етиш ўзига хос тенденцияларга эга эканлигини таъкидлайдилар. Бирок, Шарк ва Гарб фалсафий-экзистенциал тафаккури воситасида мақсадли-компаративистика асосида инсон эркинлиги муаммосини кенг миқёсларда ўрганиш тарихи мавжуд эканлигига қарамай, муаммо ханузгача тўла-тўқис шакланмаган. Диссертация иши, табиийки, моҳиятига кўра глобал муаммо бўлган «инсон эркинлиги» феноменини ҳар тарафлама тугал очиб беради деб айта олмаيمиз, бирок биз томонимиздан олиб борилган тадқиқот реал ижтимоий ҳаётда яшаб турган замонавий инсоннинг эркинлиги, тугал умидлари ва келажакка ишончини ўрганишни ўстириш борасида қўйилган муҳим кадам дейиш мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг, у бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот режасига мувофиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари: «Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** инсон эркинлиги муаммосини Шарк ва Гарбдаги экзистенциал англашнинг қиёсий фалсафий тахлилини амалга оширишдан иборат.

Тадқиқот асосидаги фикр ва гоё тадқиқот доирасида қуйидаги аниқ **вазифаларини** бажаришни таказо этади:

инсоннинг ижтимоий онгда тўла қонли яшаши учун лозим бўлган алоҳида экзистенциал сифатларини кўриб чиқиш ва тахлил этиш;

Шарк ва Гарбнинг буюк тафаккурида инсон эркинлиги аҳамиятини фалсафий англашни таъкидлаб ўтиш;

инсоннинг эркин мавжуд бўлиши учун лозим бўлган очик оидин дастлабки шарт-шароит каби унинг маънавий-ахлоқий ихтиёри муаммосини асослаш;

Ўзбекистон Республикасида инсон эркинлиги замонавий компаративистикасининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўзига хосликларни аниқлаш ва асослаш.

**Тадқиқот объекти** жаҳон фалсафий тафаккурида инсон эркинлиги гоёсининг тугилиши, шаклланиши ва ривожланиш жараёнидан иборатдир.

**Тадқиқот предмети** Шарк ва Гарб экзистенциал таълимотлари шароитида инсон эркинлигини тушуниш ва тафаккур қилишни қиёсий тахлил этишдан иборатдир.

**Тадқиқот методлари.** Диссертацияда жаҳон экзистенциал фалсафий тафаккурини ўрганиш методларига бевосита алоқадор тарихий-маданый, қиёсий, таркибий ва тизимли илмий тахлил, хусусан Шарк ва Гарб таълимотларидаги инсон эркинлиги масаласини қамраб олувчи методлардан ва қўллаб рус, ўзбек ва бошқа хорижий тиллардаги манбалардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижтимоий-мафкуравий иммунитетини қучайтиришга йўналтирилган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида шахсни маънавий-ахлоқий жиҳатдан оқилона шаклланиши жараёнига экзистенциал фалсафий тафаккурнинг таъсири очиб берилди;

Шарк ва Гарб экзистенциал фалсафий тафаккурида инсон эркинлиги ҳақидаги устувор фикрлар, уларнинг инсоният ижтимоий-сиёсий ва диний этник тамойилларига таъсири асослаб берилди;

маънавий-ахлоқий мақсадларда эркин фикрловчи шахс ва унинг интеллектуал ривожланиши, шунингдек инсоннинг жамият олдидаги ижтимоий фаоллиги ва жавобгарлигини ошириш маърифати жараёнини амалга ошириш дастури тақдим этилди;

ҳар бир инсон ҳуқуқи ва эркинлигига қаратилган мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-демократик ислохотлар борасидаги билимларни жамиятда шакллантиришни таъминлашда муҳим бўлган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва улар ҳозирда амалда қўлланилмоқда.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

“инсон”, “ҳаёт” ва “эркинлик” тушунчаларининг ўзига хос жиҳатларини олим ва файласуфлар қарашларининг компаративистик тахлили асосида очиб берилган.

мавжуд миллий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий меъёрларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш, яратилган қатта имкониятлардан самарали фойдаланиш учун таълим соҳасидаги ислохотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудида эркинлик гоёсини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибага таянган ҳолда амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:**

Тадқиқот натижалари компаративистик фалсафа ва мазкур муаммо бўйича истиқболдаги тадқиқот ишлари тенденциялари ҳақида илмий-фалсафий тадқиқотларнинг нисбатан мустақил соҳаси деган умумий хулосага келиш имконини беради.

Тадқиқот натижалари юкори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш жараёнида мамлакат истикболларини аниқлашда, таълим тизимини ислох қилишда қўзда тутиш талаб қилинадиган миллий кадрликларга бўлган ишонч ва ехтиромни, ота-боболарнинг маънавий меросига ҳурмат тўйгуларини тарғиб қилишда, шунга ўхшаш мавзудаги – илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда, шунингдек, мутахассисларни тайёрлашда ишлатиладиган ижтимоий ва гуманитар йўналишдаги дастурларни тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда келтирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар узлуксиз таълим тизимида ҳам, Республика Маънавият ва маърифат марказида, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида ҳам, шунингдек, илмий тадқиқот ишлари учун монографиялар, дарсликлар ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, демократик жамиятда яшаш шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ривожлантириш бўйича давлат дастурини амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларини жорий этиш:** диссертация мавзуси бўйича асосий мақсад ва илмий-назарий хулосалар турли журналлар ва Ўзбекистон Республикаси ва хорижда бўлиб ўтган конференция ва семинарлар материаллари тўпламларида эълон қилинган:

Республика Маънавият ва Маърифат марказининг “2018 йил Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва ушбу соҳани ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари бўйича” дастури асосида (Республика маънавият ва маърифат кенгашининг 2018 йил 14 ноябрдаги №01/08-849-18 сонли маълумоти) шахснинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан оқилона шаклланиши жараёнида экзистенциализм ғояларининг таъсири очиб берилди. Бунинг натижасида, шахс ижтимоий-мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган амалга оширилувчи тадбирлар самарадорлиги сезиларли даражада ортди;

Экзистенциал фалсафий тафаккурдаги инсон эркинлиги тўғрисидаги асосий ғоя инсониятнинг ижтимоий-сиёсий ва диний-этник тамойилларига таъсир кўрсатиб, 2018 йилда фуқаролик мониторинги институтидаги комплекс тадбирлар режасини ишлаб чиқилишида ёрдам берди (Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги мустақил институтининг 2018 йил 18 ноябрдаги №14/289 сонли маълумоти). Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, айниқса эндигина мустақил ҳаётга кадам қўяётган ёшларни жамият учун зарарли бўлган ғоялар хуружидан муҳофаза қилиш мақсадида инсоннинг маънавий-ахлоқий, рухий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, диний билимлари самарадорлиги оширилмоқда;

Омма маърифатини юксалтиришда, айниқса Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ҳузурида турли ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, хусусан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

борасидаги тадбирларда амалда қўлланилмоқда (Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи қошидаги 2019 йил 18 январдаги № 04-13 / 299 сонли маълумоти). Ўзбекистон ёшларини маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантириш, мустақил ва эркин фикрлаш, ҳаётга бўлган қатъий қарашлари билан Ватанга садоқат, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида бевосита уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш лозим. Бунда тадқиқотда келтирилган тақлиф ва мулоҳазаларни давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа таршқилотларда ёшлар ҳаракатининг тўлақонли фаоллашувида қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26-йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирларда фаол иштирок этиб, жумладан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Маркази қўмитаси томонидан ташкил этилган Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида 2018 йил 10 декабрда (№12/458-18 сонли маълумоти) бўлиб ўтган тадбирда қуйидагиларни таъкидлаб ўтдик: Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан юридик ва жисмоний шахслар учун яратилган мавжуд ҳуқуқ ва эркинликларни бузмаслик ва қаршилик қилмаслик демакдир. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилган мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги демократик ислохотларнинг аниқ моҳияти борасида жамиятда билим ҳосил қилишга хизмат қилувчи тақлиф ва мулоҳазалар амалий жиҳатдан диққат-эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари олтига илмий-амалий анжуманларда, жумладан иккита халқаро анжуманда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда учда илмий-фалсафий мақолалар билан чиқиб келинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тегишли тарзда тўққиз фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни 160 варақдан таркиб топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш қисмида тадқиқот предметининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасининг фан ва таълим йўналишидаги устувор жиҳатлар билан алоқаси кўрсатиб ўтилган, ушбу мавзу бўйича хоржий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, методлари белгилаб берилган, диссертациянинг илмий янгилиги



ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, натижаларни амалиётга татбиқ этиш, илмий нашрлар тўғрисидаги ахборот, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация тадқиқотининг «**Фалсафий компаративистика назарий-методологик муаммоларининг концептуал таҳлили**» деб номланган биринчи боби уч фаслдан иборат бўлиб, унда Шарқ ва Ғарб фалсафий компаративистикасининг пайдо бўлишидаги ўзига хосликлар, унинг ривождаги тарихий даврлаштириш кўриб чиқилган. Бунда «шарқ фалсафаси» (жумладан, араб, хитой, ҳатто рус файласуфларининг фикрлари) ғояларига, Европа фалсафаси талабларини бир хилда қўллаш мақбул топилмайди.

Тадқиқотда (қўплаб замодош олим-тадқиқотчилар асарлари воситасида) шарқланаётган фалсафий фикр компаративистлигининг шаклланиши ва ривожланишидаги ўзига хослиги шундан далolat қилмоқдаки, Ғарб ва Шарқ фалсафий тизими ва таълимотларида инсоннинг нафақат интеллектуал, балки ҳам ахлокий, ҳам эстетик тажрибаси ётади. Бунда энг муҳими — инсон ҳаётининг моҳияти ва мақсади, олий ҳаётий ҳақиқат ва қадриятларни излаш ва унга сари интилишидир.

Тадқиқотимизда алоҳида эътибор берилётган фалсафий компаративистлиكنинг ўзига хослиги туфайли, фалсафий тафаккур эволюциясини акс эттирувчи миллатлар ва тилларни ҳисобга олганда ҳолда, тадқиқот предмети бўлган компаративистлиكنинг минтақалардаги тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини қиёслаш, чоғиштириш, баҳолаш, умумлаштириш, турли аналог ва параллеликларни, ўхшашлик ва тафрикаларни аниқлашимиз мумкин.

Кўп сонли тадқиқотларга кўра, фалсафий компаративистлик шаклланиши ва ривожланишидаги асосий беш босқични келтиришимиз мумкин. Унинг бошланиши XIX асрнинг бошларига тўғри келади, у вақтда истиқболдаги цивилизация компаративистика ва турли ижтимоий ва гуманитар фанлар аниқ бир мақсадни кўзламаган ҳолда, муайян билимлар тизимига тўплана бошлаган эди. Кейинроқ эса, тўпланган мавжуд имконият асосида фалсафий компаративистиканинг асосини кенгайтириш ва янгиланишига олиб келди. Ўрганилаётган мавзунинг энг сўнги босқичларидан бири XX асрнинг 90-йилларига тўғри келади ва бу даврда постмодернизм ва маданиятлар мулоқоти билан ўзига хосликни излаш, бағрикенглик муаммолари, глобаллашув кабилар ўртасида яқин алоқага киришиш рўй бераётган, шунингдек жаҳон фалсафаси моҳиятига қаратилган янги изланишлар байдо бўлаётган эди.

Бизнинг тадқиқотимизда Шарқ ва Ғарбнинг фалсафий компаративистикадаги маданиятлари мулоқоти алоҳида ўрин тутаяди. Назаримизда, ҳар қандай файласуф, тўлақонли фаолият юритиш мақсадида, энг асосий фалсафий — хинд, хитой, япон, европа, рус ва араб-мусулмон маданиятларнинг муҳим жиҳатларини бир бири билан қиёслаши лозим.

Таъкилаш ўринлики, ҳар бир халқ, Ғарбда бўлгани каби ҳам Шарқда ҳам, ўзининг тарихий ривожланиш жараёнида ўз маданиятини шакллантиради ва бойитиб боради ҳамда уларни аждодлардан авлодларга ўтишини таъминлайди.

Благодаря компаративистлик фалсафаси сабабли тадқиқотимизда Ғарбнинг илм, механизациялаш, миллилаштириш, демократия, материализм, секуляризм, ўлчамлар, таракқиёт, жинслар тенг ҳуқуқчилиги, индивидуаллик, конун, спорт, юқори даражадаги ҳаётва шу кабилар дунёси экани борасидаги тасаввур хосил бўлади, Шарқ эса ўз навбатида — карама-қарши сифатларга эга бўлган оламдир. Бундан ташқари, Ғарб замонавий рационалистлик, индивидуалистлик, эркинликни сеувчи, мантикий, реаллик, ижодда фаол ва моҳирлик билан характерланади. Бошқа тарафдан унга Шарқнинг қадимийлиги, субъективлиги, интуитивлиги, оилавий ҳаётдаги ёпиқлик, шартларга мойиллик, идеалистик, мистиклик, ҳаётда нофаол ва синодан ўтганлиги карама қарши қўйилади. Бирок аксар тадқиқотчилар фикрига кўра, Шарқ мамлакатларининг моддий ва маънавий маданияти айрим жиҳатлар бўйича ривожланганлик даражаси билан ҳатто Ғарбнинг замонавий маданиятини ҳам ортда қолдиришини кўришимиз мумкин. Бунинг барчаси аввало фалсафа, қолаверса ижтимоий-сиёсий ва табиий фанлар, санъат ва адабиётдаги фикрга таълуқлидир.

Таъкидланишича, айна фалсафа, илм ва санъат ҳар бир халқда умумий маданий қадриятлар, урф-одатлар, анъана ва иймон-этикодга мувофиқ тарзда ўзига хос ривожланади. Улар объектив таркибги ташкил этгани сабабли, ўзида аста-секинлик билан, шошма-шошарликсиз ҳақиқий ҳаётни намён этади, - яъни уларнинг барчаси ўзига хос мустикал тарихий қадриятга эгадир. Айна «маданият» натижасида табиий воқеликдаги турли унсурлар инсон эркинлиги соҳаси билан мувофиқ келадик, бу мавжудликнинг энг янги имкониятлари билан лозим бўлган ҳаётий потенциални қўлга кирита билади. Маданият туфайли инсон ўзининг ички олами билан ўзигагина хос бўлган ҳаёт тарзини яратишга қобилиятли бўлади.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий муносабатлар муаммосини кўриб чиқар эканмиз, тадқиқотимизда Ғарбнинг Шарқдан илҳомланишини ўзида акс эттирувчи, инсониятни илк воқеликдаги халқчил бирлик асосидаги мукамал инсон эркинлигини яратиш вазифасига чорловчи инсониятнинг янгиланиши муаммосининг мавжудлиги масаласи қалқиб чиқади.

Биринчи бобнинг сўнги фаслида биз эътиборни яшаш, ижод қилиш, ўзининг мавжудлиги учун лозим бўлган шароитларни яратиш учун дунёга келувчи бевосита инсоннинг ўзига қаратдик. Жаҳондаги барча маданиятлар учун фундаментал тушунча ҳисобланган борлик ва йўқлик категориялари кўриб чиқилди. Инсоният ва унинг ҳаёт йўли борасида тарихда ўтган барча юксак ақл соҳиблари фикр юритганлар. Натижада биз инсон ва жаҳият барча ҳаракатланадиган ва бизнинг ҳақиқий ҳаётимизни таркибий жиҳатдан белгилувчи инсоният борлигининг ҳақиқий субъектлари ҳисобланади деган ҳулосага келдик.

**Иккинчи боб - «Шарк ва Ғарб киёсий фалсафасида экзистенциал ёндошув концепцияси ва методологияси»,** ҳам уч фаслдан иборат. Тадқиқотнинг ушбу боби Шарк ва Ғарб фалсафий фикрларидаги ўзига хосликларни экзистенциал ёндошув асосида киёслаш билан бошланади.

Аввало биз экзистенциализм ёки «мавжудлик фалсафиси» биринчи жаҳон уруши остонасида инсоннинг ҳақиқий ҳаётий моҳиятини қўлга киритишга қатъий интилиш сифатида юзага келганини аниқлаймиз.

Алоҳида аҳамиятга эга бўлган «трансценденция» махсус тушунчаси ўрин олган экзистенциализмнинг онтологик-категоривий таркиби схема шаклида чизиб берилди.

Бунинг давомида экзистенциал фалсафа ривожланишининг асосий босқичлари унинг минтакавий намоёндалари бўлмиш машҳур ғарб файласуф - экзистенциалчилари, жумладан Н.А.Бердяев, Л.Шестов, М.Хайдеггер, К.Ясперс, Ж.-П.Сартр, Г.Марсель, А.Камю, Н.Аббаньяно ва кўплаб бошқа олимларнинг қарашларига асосланиб кўриб чиқилади. Тилга олинган европалик экзистенциалчилар орасида уларнинг диний ва атеистик қарашлари миқёсида кескин чегараланишлар мавжуд, шу сабабдан ҳам уларнинг фалсафий қарашларида муайян фарқлар кузатилади.

Шарк экзистенциал-файласуфлари каторига араб дунёси вакилларида Абд ар-Раҳман Бадавий, Рене Ҳабаший ва Закариё Ибраҳимни киритишимиз мумкин. Бундай ташқари, экзистенциал тафаккур борасида буддавийлик, конфуцийчилик ва хиндуизмда алоҳида фикрлар келтирилган. Инсоннинг оламда мавжудлиги масаласига қаратилган «Ғарб» ва «Шарк»нинг асосий унсурлари схема тарзида кўрсатилади, экзистенциализмнинг асосий тамойиллари келтириб ўтилади, буларнинг воситасида инсоннинг мавжудлиги унинг моҳиятини белгилашини тушуниб етамиз.

Инсоннинг ижтимоий онга мавжудлигининг тўлақонли уйғунлашувчи мақсадида, биз индивиднинг тўлақонли ҳаётига сифат жиҳатидан таъсир этувчи ҳаётий критерияларнинг ўзига хослигини долзарблигини исботлаймиз ва схема тарзида кўрсатамиз, улар орасида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин: мулоқот, қураш, гўзаллик, эзгулик, тасодифийлик, ва албатта – инсоннинг танлаш ҳуқуқи. Айни мана шулар, экзистенциалчилар фикрига кўра, инсоннинг мақсадлари ва қадриятларини аниқлаштиради, оламда ўз ўрнини топиш имкониятини беради, ҳаётий муаммоларни ечади ва ўзининг ердаги ҳаётида ўзига хос мўлжалларини топади.

Тадқиқотда яна шунингдек инсон ўзининг ҳаёти давомида улғайгани ва секин аста ўз мавжудлигини англаш жараёнида ўзида экзистенциаллик сифатларини (ижобий ва салбий) жамлаб боради, шу билан баробар равишда унинг ўз ўзидан қониқиб ва айниқса ижтимоий онг ботинида тўлақонли ҳаёт учун лозим бўлган хиссиётлар белгиланган бўлиб, буларга: иймон, умид, муҳаббат, қўрқув, изтироб, ўқинч, бевақт ўлим хисси, шунингдек жавобгарлик қиради ва уларсиз ҳақиқий эркинлик (экзистенциаллик сифатини ҳам ҳисобга олганда) мавжуд бўлиши мумкин эмас. Тақдим этилган экзистенциал сифат иложи борича кенг қамровли ва тушунарли

тасаvvур қилиниши учун кўриб чиқилаётган Ғарб ва Шарқдаги фалсафий йўналишлар тадқиқотларида кўзга кўринган муҳим намоёндаларнинг фикрлари биз томонимиздан асосланди ва таҳлил этилди.

Иккинчи бобнинг сўнгги қисмида биз инсоннинг маънавий-ахлоқий ихтиёри муаммосини унинг эркин мавжуд бўлишидаги асосий дастлабки шарт-шароит сифатида долзарб деб топдик. Бу жаҳада ўзининг кўплаб асарларида инсон ҳаётининг уч босқичдан: эстетик; ахлоқий; диний – иборат ахлоқий жиҳатларини ёритган С.Кьеркегорнинг фалсафий қарашларига мурожаат қиламиз. Ушбу босқичларни мутлақо барча одамлар босиб ўтадилар, ҳолбуки инсон қайсидир маънода кейинги босқичга ўтишга улгурмай қолиши ҳам мумкин. Бу борадаги батафсил муаммоларни кўплаб экзистенциал файласуфлар тадқиқ этмоқдалар.

Инсоннинг буддавийлик, конфуцийлик, даосизм, хиндуизм, жайнизм ва исломдаги мавжудлигининг маънавий-ахлоқий жаҳа билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш бўйича илмий баҳс юритилди. Бунда Ғарб ва Шарқ ўртасидаги мавжуд фарқлинишни ижтимоий-сиёсий ривожланишда бўлгани каби маънавий ҳаётида ҳам, ҳолбуки шунчаки нисбий хусусиятга эга бўлиб, айрим минтақаларнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг бир хил эмаслиги, ўта мураккаблик, кўп қирраллиги сабабидан уларни мутлақлаштириш мумкин эмас. Шу муносабат билан маълум бўладики, инсоннинг XXI асрда ҳал этиши лозим бўлган муаммоларидан бири ҳар бир инсон учун ҳақиқий эркинликни ҳис қилишни долзарб даражага олиб чиқувчи, жамиятда одамлар ҳаёти мазмуни янги ҳаётий қадриятларни тасдиқлаш билан биргаликда ўзаро ижтимоий-маданий шартлашувнинг янги шаклини топишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг **учинчи боби - «Экзистенциал фалсафада инсон эркинлиги феномени»,** деб номланади ва бу боб ҳам уч фаслдан иборат бўлиб унда инсоннинг бевосита табиий моҳияти, ахлоқи, маданияти ва маънавиятидан келиб чиқувчи «эркинлик» тушунчасига эътибор қаратилган. Антик даврдан бошлаб то ҳозирги кунгача Шарқдан Ғарбгача яшаб ўтган аксар мутафаккирлар ўзларининг турли нуқтаи назарларидан туриб инсон эркинлигининг муҳимлиги ва аҳамиятига эътибор қаратганлар.

Биз томонимиздан ўтказилган компаративистлик тадқиқот инсон эркинлигининг ўзига хос умумий жиҳатларига Шарк ва Ғарбнинг назарий-амалий қарашларидан англаш борган сари долзарблик қасб этаётганини кўрсатмоқда. Шунини таъкидлаш муҳимки, «инсон эркинлиги» тушунчасига Шарк ва Ғарб учун тарихий-этнографик, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий хусусиятлари, бевосита географик аҳамиятидан ташқари умумий ва яқка минтақалар жиҳатидан қараш мақсадга мувофиқдир.

Ғарб экзистенциал-фалсафасига учун эркинлик тўғридан тўғри тафаккурнинг рационал даражаси билан боғлиқдир, зеро инсон қачонки ўз онгини ўз туйғулари билан уйғунликда муваффақиятли бошқара олсагина эркин ва ҳар ишга қодир бўла олади.



Экзистенциал тафаккур ўз тарихи давомида экзистенциализм тарафдорлари бўлган – рус, француз, немис, испан ва бошқа кўплаб давлат ва минтакаларга мансуб бетақрор мутафаккирларнинг катта бир гуруҳи эътиборини тортиб келган. Уларнинг ижодий меросида инсон эркинлигига, ҳақиқий эркинлик уларсиз оддийгина мавжуд бўлиши мумкин бўлмаган зарурийлик ҳисси билан жавобгарлик ва ихтиёр масалалари кенг таърифланади. Уларнинг фикрига кўра, инсоннинг турли ҳиссиётлари (масалан, муҳаббат, қўрқув, безовталиқ, надомат ва бошқалар) инсон иродасини ўзига бўйсундирига кодир бўлиб, уни ўз хоҳишлари ва ҳақиқий интилишларига мувофиқ эркин ҳаракат қилишга қўймайди. Бироқ, ҳаётдаги барча қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамай, инсон ҳамиша эркин бўлмоғи лозим, мана шу Ғарб экзистенциализмининг асосий моҳиятидир.

Шарқ кишининг маданияти ва ҳаёт тарзида инсон эркинлиги тушунчасига мувофиқ келувчи ўзига хос хусусият мавжуд. Кўплаб мутафаккир файласуфлар фикрига таянган ҳолда улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ижтимоий-маданий ҳаёт тарзининг барқарорлиги, диний ва афсонавий тасаввурлар ва таълимотларнинг алоҳида устуворлик касб этиши, бутун жамият ичидаги манфаатлар йўлида инсон шахсининг индивидуаллик асосида ажралиб туриши. Кўрсатиб ўтилган ўзига хосликларга мувофиқ Шарқнинг умумий маданияти ва ижтимоий-фалсафий тафаккурида инсон хатти ҳаракати ва фаолиятида маънавий-ахлоқий тарбия ва ижтимоий одобларга кенг эътибор қаратилади. Бунинг натижасида ҳақиқий эркинлик тушунчаси оилавий муносабатлар ва ижтимоий муносабатларда вектор йўналганликка эга. Масалан буддавийликнинг фалсафий фикрларида инсоннинг мавжуд бўлиш мақсади инсоннинг тўхтовсиз давом этувчи азоб-уқубатлардан халос бўлиб, карма қонуларидан ўтиб, нирванага етишишдан иборат.

Шарқда шунингдек яна инсон табиатига алоҳида эътибор қаратилувчи шахсий ва индивидуаллик билан боғлиқ умумий жабҳаларга кенг назар ташланади. Тенги йўқ араб-мусулмон шоирлари ўзларинг ўлмас сатрларида ҳамиша инсон эркинлиги ва шарафи билан боғлиқ масалаларни тарғиб қилганлар. Айни инсон эркинлиги, уларнинг тушунтиришларига кўра, инсонга бутун табиий оламда ҳукмронликни берувчи олий бойлик ҳисобланади.

Икки минтақадаги инсон эркинлиги муносабатларини компаративистлик асосида биз томонимиздан амалга оширилган таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, Ғарбда асосий экзистенциал критериялар жамиятда албатта оқилона фикрлаш шароитидаги моддий бойликлар ва хусусий мулкчилик билан белгиланса, Шарқда инсоннинг асосий маънавий эркинлиги, унинг маданий, ахлоқий-ҳиссий кадриятлари билан ўзига хослик касб этади. Умуман олганда экзистенциализмда инсон эркинлиги кадриятини қиёсий таҳлил қилиб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, ҳар бир инсон учун жамоавий жавобгарлик, бошқа одамлар ва уларнинг меҳнатига ҳурмат, ватанпарварлик, камтарлик ва яхши амаллар қилиш қабиларни Шарқ учун

ҳам Ғарб учун ҳам умумий хос бўлган устувор сифатлар дейиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, инсон ҳаётидаги барча моддий ва маънавий-ахлоқий жихатлар алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Шу маънода моддий-иктисодий жихатдан қониқиб жараёни ишлаб чиқариш ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини биргаликда яшаш қондаларига асосланган ҳолда оқилона ташкил этишни талаб қилади.

Ўз навбатижа, инсон эркинлиги чегарасиз бўлиши мумкин эмас, у албатта инсон акли ва қонулар билан чекланади. Кўриниб турибдики, бу чеклов аввало инсоннинг ўзига яхшилик келтиради, холбуки қонуларсиз инсон ҳуқуқлари ҳам эркинлиги ҳам бўлмайди. Давлат ҳокимияти тарихида фақат «демократия»гина бутун жамиятдаги одамлар учун эркинликни тўлиқ таъминлаб бера олади. Тўғри, буларнинг барчасида айни демократия, алоҳида инсон иродасини жамият манфаати йўлида бўйсундиришга лаёқатига, муайян меъёрий доираларда инсон эркинлигини қайсидир даражада чеклаш имкониятига эга. Бироқ давлатдаги барча ҳуқуқий меъёрлар ҳамиша ҳам эркинликни самарали таъминлашда жамият ичида ҳар бир инсоннинг шахсий ҳаётида тўла тўқис кўзланган натижани бера олади деб бўлмайди. Буларнинг барчасидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг мустақил давлатимиз – Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-маданий ҳаётда ҳар бир инсон учун тўлақонли тенглик ва эркинликни амалга оширишга ҳаракат қилиб келмоқда.

## ХУЛОСА

Фалсафий тафаккурга бўлган қизиқишнинг долзарблиги ҳамиша инсоният дунёқарашининг муҳим манбаси бўлмиш Ғарб билан ўзаро алоқадор бўлган Шарқ мафқурасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Буларнинг барчасидан келиб чиқадиган бўлса, ҳар икки минтақа учун ҳам энг муҳим бўлган муаммолардан бири бу инсон эркинлиги бўлиб уларнинг асосий жабҳаларини қуйидаги ҳулосаларда келтириб ўтишга ҳаракат қилдик:

1. Жаҳон фалсафий тафаккурида, инсоннинг эркинлиги ва мустақиллиги энг муҳим постулатлардан бири ҳисобланиб, унинг ўзи воситасида инсоннинг яхлик ва қучли давлатга бўйсунушга мажбур этади. Инсоннинг тўлиқ эркинлиги фақат субъектив оламда мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ объектив оламда ҳар бир инсон жамиятда мавжуд барча қонулар талабига бўйсунуши лозим.

2. Экзистенциализм – мавжудлик маъносини англаувчи сўзлан олинган бўлиб, «мавжудлик фалсафаси» тушунчасини англатади. Ушбу фалсафий йўналиш антропологик муаммолар сифатида юзага келади ва ўз моҳиятига кўра у инсоннинг бу ёруғ дунёдаги мавжудлиги масаласини фалсафий тафаккур асосида ўрганади. Бироқ экзистенциализм шакланган давр борасидаги фикрлар у қадар аниқ эмас. Айрим тадқиқотчилар экзистенциализм вужудга келишини даниялик файласуф С.Кьеркегора номи билан боғлайдилар, бошқалар эса – бир оз кейинроқ - XX асрнинг, аниқроғи Биринчи Жаҳон урушидан кейинги даврни таъкидлайдилар.

3. Экзистенциализмнинг асосий шартин инсоннинг мавжудлиги унинг моҳиятидан ўзиб кетиши лозим, зеро инсон аввал бу дунёга келади, унда фаолият юритади, ана шундан кейингина реал инсон шахсини аниқлаштиради. Экзистенциализм фалсафасига кўра, инсон муваккатдир, яъни у қачондир ўлиши аниқ бўлган мавжудот ҳисобланади.

4. Инсон муаммоси ва айниқса унинг эркинлиги муаммосини етарли даражада қатъий қўя олганлар ҳам айтиш экзистенциал-файласуфлардир, уларнинг фикрига кўра инсон ўзи ўзини қандай қўришни истаса шундай мавжудоддир деб қатъий таъкидлаганлар. Экзистенциалчилар одамлар ожиз мавжудоддир ва улар ҳеч қачон табиат олдида бирон бир кучга эга эмасдилар, деб ҳисоблайдиган пессимистик қарашларни келтириб чиқарувчи биологик ва ижтимоий детерминизмни бутунлай рад этадилар. Бирок инсон эркин бўлса, бу умуман бошқа масала, - бундай ҳолда ҳар бир индивид ўз хатти ҳаракатларига жавобгар бўлади. Натижада ҳар бир инсон ўз шахси факланган ўринда ўз мавжудлигининг алоҳида моҳиятини намоён қилмоғи керак.

5. Экзистенциал фалсафа тафаккури гоёлари нафақат турли ўлка ва минтақалар, мамлакат ва қитъаларни балки одамларнинг дунёқарашларини ҳам ўзига хос йўналтирилган дунёқарашлар - атеистлар (А.Камю, М.Хайдеггер ва бошқалар), кўплаб диний конфессиялар (Г.Марсель католик, Н.А.Бердяев - православ, Л.И.Шестов ва М.Бубер хиндуизмга эътиқод қилган) фарқлантиради. Диний экзистенциализмда марказ бу Аллоҳдир, атеистларда эса - ҳеч вақо.

6. Экзистенциал нуқтаи назаридан эркинлик жавобгарлик ҳисси билан бошланади ва унинг ўзи билан яқун топади. Эркинлик бу энг юқори даражадаги ўзни намоён қилиш, самарадорлик, бўлиши мумкин бўлган сохталиклардан воз кечиш, ўзгаришларга қулоч очиш, ўз ўзини англаш, шунингдек барча янгиликларни қабул қилишга тайёрликдир. Бунда бирон бир нарсага ҳеч иккиланмай ишониладиган бўлса - бу ўз эркинлигининг бир қисмидан воз кечиш ҳисобланади. Эркинлик - бу ҳам абадий ҳавотирликдир, бунда инсон қийин ҳисси билан айбдорлик туйғуси ва бир ўзининг барчага қарши туриш матонати назарда тутилади. Ҳар бир инсон ўзини экзистенция сифатида топибгина ўзининг ҳақиқий эркинлигини қўлга киритиши мумкин. Эркинлик инсон учун табиатан ёки ижтимоий жиҳатдан шакланган объект сифатида мавжуд бўлишдан умрбод халос бўлишни аниқлаштириши, яъни ўз ўзини кашф қилиш орқали ўз қилмишлари ва фаолияти учун «вазиятлар билан» ўз ўзини оқлаб ўтиришни лозим деб билмайдиган, бирок ҳақиқатда улар учун ўзини жавобгар санашни аниқлаштириши мумкин.

7. Эркинлик инсонга ўзининг дунёда мавжудлик мақсадини ўзгартирмаган ҳолда ўз ўзига садокатли бўлиш имкониятини беради. Ўз навбатида, эркинлик тушунчаси — инсоннинг ўз ўзини ёруғ дунёдаги мавжудлик мақсади билан биргаликда аниқлашидир. У қачонки ўзини ўз мақсади билан бир деб ҳисобласагина ва масъулиятни ўз зиммасига олиб ўша мақсадлар учун қурашагина, у ҳақиқатда эркин бўлади.

SCIENTIFIC COUNCIL ON AWARD OF SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.30.12.2019.F.01.05  
AT NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN  
NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

SAIDOVA KAMOLA USKANBAEVNA

COMPARATIVISTICS OF HUMAN FREEDOM  
IN EASTERN AND WESTERN EXISTENTIALISM

09.00.03 – History of philosophy

DISSERTATION ABSTRACT OF DOCTOR OF PHILOSOPHY DEGREE (PHD) OF  
PHILOSOPHICAL SCIENCES

TASHKENT – 2020



The theme of the dissertation of the doctor of philosophy degree (PhD) is registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2018.2.PhD/Fal205.


The dissertation was carried out at the National University of Uzbekistan  
The abstract of the dissertation was posted in three (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website of the Scientific Council at [www.ik-falsafa.nuu.uz](http://www.ik-falsafa.nuu.uz) and on the website of «Ziyo-net» information-educational portal at [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

Scientific consultant:	<b>Karimov Rakhmat Rakhmanovich</b> Candidate of Philosophy, Associate
Official opponents:	<b>Karimov Bahtiyor Rahmonovich</b> Doctor of Sciences (Philosophy), professor
	<b>Pulatova Dildora Akmalovna</b> Doctor of Sciences (Philosophy), professor
Leading organization:	University of World Economy and Diplomacy

The defense of the dissertation will be held on «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020, at \_\_\_ at the meeting of the Scientific Council No.DSc.30.12.2019.F.01.05 at the National University of Uzbekistan (Address: 4 University str., 100174 Tashkent Room 117, Floor 1 Faculty of Social Sciences of the National University of Uzbekistan. Tel: (+99871) 246-53-21; (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

The dissertation can be looked through in the Information Resource Center of the National University of Uzbekistan (registered under No. \_\_). Address: 4 University str., 100174 Tashkent. Room 4, Floor 2, Administrative building of the National University of Uzbekistan tel.: (+99871)236-46-55; fax: (+99871) 246-02-24.

The abstract of dissertation was distributed «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020.  
(Registry record No. \_\_ dated «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020.)



**N.A.Shermukhamedova**  
D.o. chairman of the scientific council  
awarding scientific degrees, doctor of  
philosophical sciences, professor

**U.A.Mahkamov**  
Scientific Secretary at interim of the  
scientific council awarding scientific  
degrees, PhD in Philosophy

**G.T.Makhmudova**  
Chairman of the academic seminar  
under the scientific council awarding  
scientific degrees, doctor of  
philosophical sciences, professor

## INTRODUCTION (annotation of PhD dissertation)

**The aim of the research work** is to carry out a comparative philosophical analysis of the problem of human freedom in an existential understanding in the East and the West.

**The object of the research work** is the process of generation, formation and development of the idea of human freedom in the world philosophical thought.

**The subject of the research work** is a comparative analysis of the understanding and understanding of human freedom in the context of existential teachings of the East and the West.

### Scientific novelty of the research is:

the influence of existential philosophical thought on the process of optimal formation of a spiritual and moral personality with the aim of increasing the effectiveness of measures aimed at strengthening the socio-ideological immunity of the younger generation;

the fundamental idea of human freedom in the existential philosophical thought of the East and the West is substantiated, with its influence on the sociopolitical and religious ethical principles of man;

implementation of the process of enlightening a person as a free-thinking person with the goal of spiritual, moral and intellectual development, as well as increasing social activity and responsibility of a person towards society;

implementation of the practical development of the developed proposals and recommendations, which are an important component in ensuring the formation of public knowledge about the social and democratic reforms in the country, focused on the rights and freedoms of each person.

**Implementation of the research results:** based on the achieved results of the research on the principles of formation and transformation of the idea of human freedom in the philosophical thought of the existentialism of the East and the West, the following can be noted:

the influence of existentialism ideas on the process of optimal formation of a spiritual and moral personality (Reference No. 01 / 08-849-18 of the Republican Council on Spirituality and Enlightenment of November 14, 2018) was disclosed under the program of the Republican Center for Spirituality and Enlightenment work and development of this sphere in the Republic of Uzbekistan in 2018 ". As a result, the effectiveness of the measures being implemented, which are aimed at strengthening the socio-ideological immunity of the individual, has significantly increased;

the dominant idea of human freedom in existential philosophical thought influences the sociopolitical and religious-ethical principles of man, which helps in developing a plan for the integrated work of the event at the institute of civil monitoring in 2018 (Reference No. 14/289 of November 18, 2018 Independent Institute for Monitoring the Formation of Civil Society). As a result, the effectiveness of spiritual, moral, moral, educational, socio-political, religious sides of human knowledge is increased in order to protect the population of the Republic

of Uzbekistan from alien and harmful ideas for society, especially young people, who are just embarking on the path of true life;

the process of educating people is being implemented, in particular, at the Union of Youth of Uzbekistan at various socially significant events, which is an important component in educating young people in the spirit of patriotism and improving their legal literacy (Reference No. 04-13 / 299 of January 18, 2019 at the Union of Youth Uzbekistan). It is necessary to encourage the youth of Uzbekistan to spiritually-moral and intellectual development, to think independently and freely, to be loyal to the Motherland with firm, life-affirming views, while directly increasing social activity in the process of deepening democratic reforms and developing civil society. As a result, the full implementation of the proposals and recommendations outlined in the study affects the effective work of the state authorities and administration, as well as educational institutions, youth and other organizations in terms of the full activation of the youth movement;

taking an active part in the event dedicated to the 26th anniversary of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, organized by the Central Council of the Democratic Party of Uzbekistan "Milly Tiklanish" in the Uzbek State Musical Drama Theater named after Mukimi dated 10.12.2018 (Reference №12/458-18) we emphasized that the constitutional rights and freedoms of a person - there is the possibility of behavior of a citizen in society, presented by the Constitution of the Republic of Uzbekistan itself, and the corresponding obligation on the part of the state, legal entities and individuals not to violate implementation of existing rights and freedoms. Attention is focused on the practical development of proposals and recommendations that can serve to ensure the formation of public knowledge about the real essence of large-scale, democratic reforms in the country, focused on the rights and freedoms of each person.

**The structure and volume of the thesis.** The thesis consists of an introduction, three chapters, which include nine paragraphs, conclusion, list of references and applications. The main text of the thesis is set out on 160 pages.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLISHED WORKS

### 1 часть (1 бўлим; part 1)

1. Саидова К.У. Одиночество личности в контексте экзистенциального осмысления проблемы социума. // Проблемы современной науки и образования. – Москва, 2018. - №9 (129). – С. 21-24.
2. Саидова К.У. Формирование самодостаточной личности в условиях экзистенциальной гармонии // Вестник НУУз. – Т., 1/4/1 2018. – С. 275-277.
3. Саидова К.У. Инсонда эркинлик туйғусини шакллантиришда давлатнинг роли // Имом Бухорий сабоқлари. – Самарканд: Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 2019. - № 2. – С. 126-128.
4. Saidova K.U. The development of existential thought as a reflection of social reality / International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science. 05 (85). - Philadelphia, USA (May 30, 2020). – P. 513-517.

### 2 часть (2 бўлим; part 2)

5. Саидова К.У. Социологические механизмы взаимодействия культуры, идеологии и культурной преемственности. // «Замонавий фалсафанинг долзарб масалалари: назария ва амалиёт уйғунлиги» мавзундаги ўтказиладиган республика илмий-амалий конференцияси. – Т., 2018. – С. 74.
6. Саидова К.У. Информационная теория этноса и виртуальные полюса роста. // «Замонавий фалсафанинг долзарб масалалари: назария ва амалиёт уйғунлиги» мавзундаги ўтказиладиган республика илмий-амалий конференцияси. - Тошкент, 2018. – С. 181-183.
7. Саидова К.У. Философия культур Востока и Запада и их историческая значимость для современного общества (Philosophy of cultures of the east and west and their historical significance for modern society) // VII International scientific review of the problems of philosophy, psychology and pedagogy. <https://scientific-conference.com/grafik/2018-vtoroe-polugodie.html> (Boston, USA - 12 November, 2018). - С. 9-11.
8. Саидова К.У. Компаративистика как метод взаимовлияния культур. // Шарқ ва Ғарб фалсафаси во мантиғи компаративистик муаммолари. Мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси. - Ташкент, 30 ноября 2017. – С. 114-117.
9. Саидова К.У. Философская компаративистика в современном мире. // Шарқ ва Ғарб фалсафаси ва мантиғи компаративистик муаммолари. Мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси. - Ташкент, 30 ноября 2017. – С. 123-125.



10. Саидова К.У. Духовно-нравственное развитие человека как важная составляющая свободы в цивилизованном обществе. // Сборник научных трудов по материалам XXXI Международной научно-практической заочной конференции «Научные исследования: ключевые проблемы III тысячелетия». – Москва, 2-3 декабря 2018 г. № 7 (26). – С. 35-38.

Автореферат “Жамият ва бошқарув” журналида тахрирдан ўтказилган.

Босишга рухсат этилди 29.07.2020 й. Бичими 60x84 1/16  
Офис қоғози. Ризограф усулда. Times гарнитураси.  
Шартли босма табағи 2.5. Адади 100 нусха. Буюртма № 01-07  
Тел: (99) 832 99 79; (97) 815 44 54

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Кушбеги кўчаси, 6 уй